

## СЕПТОПЛАСТИКАДАН ОЛДИН ВА КЕЙИН МАҲАЛЛИЙ ТН2-ИММУН ЖАВОБНИНГ ЎЗГАРИШИ

Умаров Бахтиер Ятгарович<sup>1</sup>

Отаев Хамид Султанович<sup>2</sup>

1-Болалар миллий тиббиёт маркази директори, DSc, доцент, Тошкент, Ўзбекистон

2-"Medmorial Hospital" клиникаси пластик жарроҳи, Урганч, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19548056>

### Аннотация.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, септопластика самарадорлиги нафақат анатомик нуқсонни бартараф этиш, балки шиллиқ қаватнинг адекват тикланиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Фаол иммун-яллиғланиш жараёни мавжуд бўлганда тўқималар регенерацияси секинлашади, операциядан кейинги асоратлар хавфи ортади ва аралашувнинг функционал натижаси пасаяди. Шу муносабат билан, Th2 даражасини, эозинофил фаоллик даражасини ва бурун шиллиқ қаватининг ситологик кўринишини баҳолашни ўз ичига олган беморнинг иммунологик профилини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** септопластика, Th2-бўғин, яллиғланиш, операциядан олдинги давр, функционал натижалар, бурун орқали нафас олиш

### Кириш.

Сўнгги йилларда септопластика қилинган беморларнинг клиник хусусиятларини субъектив усуллар сифатида комплекс баҳолашга қизиқиш ортиб бормоқда[1]. Аллергик яллиғланиш асосан иммунитетнинг Th2 бўғинини фаоллаштириш орқали амалга ошади, бу эса IgE ишлаб чиқарилиши ва яллиғланиш олди медиаторларининг ажралиб чиқиши билан кечади. Б-лимфотситлар дифференциацияси ва эозинофиллар фаоллашувини рағбатлантирувчи IL-4, IL-5 ва IL-13 интерлейкинлари марказий роль ўйнайди[2,3].

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқот 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда бурун тўсиғи деформацияси ва бурундан нафас олиш бузилиши билан текширилган ва жарроҳлик йўли билан даволанган 160 нафар бемор иштирокида ўтказилди. Иш босқичларининг хронологиясига қараб, беморлар икки гуруҳга бўлинди:

- назорат гуруҳини 2022-2023 йиллар давомида стандарт даволаш тактикасини ўзгартирмасдан аллергия ва иммунологик кўрсаткичларни параллел равишда аниқлаш билан стандарт диагностика ва жарроҳлик даволаш усуллари ўтказилган 78 (48,8%) бемор ташкил этди;

- асосий гуруҳни 82 нафар (51,2%) бемор ташкил этди, уларда 2024-2025 йиллар давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган даволаш-ташхислаш алгоритми бўйича нохуш функционал натижаларни башорат қилиш ва олдини олиш усуллари қўлланилди.

**Натижалар.** Септопластикадан олдин текширилган беморларда Th2 билан боғлиқ иммун жавоб кўрсаткичлари сезиларли даражада бир хил эмаслиги ва референс қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилиши билан ажралиб турди. Умумий IgE даражаси ва махсус IgE аниқлаш частотаси операциянинг функционал натижаси ёмонлашишига мутаносиб равишда ошганлиги аниқланди. Шундай қилиб, ижобий натижа кузатилган беморларда умумий IgE даражаси референс кўрсаткичлардан 1,7

баравар ( $p=0,004$ ), қониқарсиз натижа кузатилган беморларда эса деярли 5 баравар ( $p<0,001$ ) юқори бўлди. Сенсibiliзация частотаси мос равишда 21,1% дан 77,8% гача ошди.

**Хулоса.** Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, Th2 воситачилигидаги иммун жавобнинг яққоллиги, айниқса маҳаллий даражада, септопластиканинг функционал натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, айнан шиллиқ қават эозинофил инфильтрацияси салбий оқибатнинг асосий белгиси бўлиб, бурун шиллиқ қаватининг доимий яллиғланиш даражасини акс эттиради.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Bogari A., Alrasheed K., Alkhunein F. et al. Current practices and evidence in caudal septoplasty: a national survey and systematic review // Aesthetic Surgery Journal Open Forum. - 2025. - Vol. 8. - Art. ojad170.
2. Chan K., Patel S., Keane A. et al. Evaluating outcomes in septorhinoplasty procedures using serum cotinine as a measure for tobacco use // Otolaryngology-Head and Neck Surgery. - 2025. - Vol. 172, No. 6. - P. 1904-1910.
3. Inan M.I., Akgul Balaban Y., Demirel F. et al. Tracking systemic inflammation in allergic rhinitis with immune-inflammation markers // International Archives of Allergy and Immunology. - 2025. - P. 1-8.